

**“PROlogue” – ёш киноижодкорлар томонидан суратга олинган
қисқа метражли фильмлар III Республика фестивалини
ташқил этиш ва ўтказиш тўғрисида
НИЗОМ**

I. Фестивалнинг асосий мақсад ва вазифалари

1.1. Фестиваль Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 16 мартдаги ПФ-3407-сон Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 17 мартдаги 126-сон қарорида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Васийлик Кенгашининг 2017 йил 26 апрелдаги 70-сон йиғилиши баёни (08/1-860, 27.04.2017й.) билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида 2017 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар Дастури”га асосан ўтказилади.

1.2. Миллий ифтихор туйғуларига йўғрилган, Ватан, она табиат, гўзаллик, инсонийлик, бағрикенглик, бунёдкорлик, севги, меҳр ва муҳаббат каби мавзуларда қисқа метражли фильмлар яратиш, бу йўналишда ижод қилаётган ёш истеъдодларни излаб топиш, уларни қўллаб-қувватлаш ва кенг жамоатчиликка танитиш, ёш ижодкорларнинг профессионал малакасини ошириш, катта экранларда ўз ижодини намойиш этишига йўл очиб бериш, уларнинг энг яхшилари саралаб олиб, нуфузли халқаро кинофестивалларга тавсия этиш ҳамда кўп йиллар давомида қўлга киритилган ижодий ютуқ ва анъаналарни давом эттириш каби муҳим вазифаларни амалга ошириш мазкур фестивалнинг асосий мақсад ва вазифаси ҳисобланади.

II. Фестиваль талаблари ва шартлари

2.1. Фестивалда 35 ёшгача бўлган профессионал ва ҳаваскор киноижодкорлар – Ўзбекистон Республикаси резидентлари қисқа метражли бадиий ва бадиий шаклдаги хужжатли фильмлари билан иштирок этишлари мумкин.

Фестивалда иштирок этиш бепул.

2.2. Фестиваль ғолибларини аниқлаш мазкур Низомнинг тўртинчи бўлимида белгилаб қўйилган асосларда амалга оширилади.

2.3. Фестивалга тақдим этилган қисқа метражли бадиий фильмнинг умумий вақти 30 дақиқадан ошмаслиги керак. Шу билан бирга, фильм сўнгги 2 йил мобайнида суратга олинган ҳамда мазкур фестивалда аввал иштирок этмаган бўлиши лозим.

2.4. Фестивалда зўравонлик, наркомания, порнография, диний экстремизм ва фундаментализм ғояларини тарғиб қилувчи, давлат сиёсатини қоралаш ва бу орқали халқ норозилигини уйғотишга мақсадли йўналтирилган фильмларнинг иштирок этишига йўл қўйилмайди. Шу

билан бирга, тақдим этиладиган фильмлар миллий анъаналаримиз ҳамда умумбашарий қадриятларга зид бўлмаслиги лозим.

2.5. Фестивалда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар “Ўзбеккино” Миллий агентлигига топширилади:

- ариза (1-иловага асосан);
- асар(лар) DVD, AVI ёки MPEG4 форматда топширилади;
- саралашдан сўнг: паспорт нусхаси (яшаш манзили билан), асар муаллифи ҳақида маълумотнома (2-илова)га асосан, икки дона фотосурат, муаллиф лозим топган реклама материаллари ва бошқа маълумотлар; юридик шахслар учун: корхона Гувоҳномаси.

2.6. Тақдим этилган асарларнинг янгилиги, ғоянинг ижтимоий муҳимлиги, ижодий ёндашувнинг оригиналлиги, бадиий таъсирчанлиги, визуал қатлам ва қаҳрамонлар концепциясининг ўзига хослиги, режиссёр ва оператор маҳорати, актёрларнинг ижроси, шунингдек, Давлат тилида бўлиши ёки Давлат тили субтитрларда берилиши Фестивалда қатнашиш ҳуқуқини таъминлаш мезони ҳисобланади.

2.7. “Ўзбеккино” Миллий агентлиги Фестивалда намойиш этилган қисқа метражли фильмларни сақлаш, халқаро ва маҳаллий миқёсидаги фестиваль ёки танловларга тавсия этиш, бу фильмларни оммалаштириш учун телевидение ва интернет сайтларга тақдим этиш, шунингдек, улардан нусха кўчириш, кўпайтириш ва сотиш ҳуқуқига эга.

III. Фестивални ўтказиш муддати ва босқичлари

3.1. Фестиваль қуйидаги уч босқичда ўтказилади:

- аризаларни тақдим этиш: 15 сентябрга қадар;
- аризаларни кўриб-чиқиб, уларни Низом бўйича саралаб олиш: 1 октябрга қадар;
- асосий кўрик дастурига кирган фильмлар намойишларини ўтказиш: 16-20 ноябрь;
- ғолибларни тантанали тақдирлаш маросимини ташкил этиш: 21 ноябрь.

Фестивални ўтказиш муддатлари “Ўзбеккино” Миллий агентлигининг буйруғига асосан ўзгартирилиши мумкин.

3.2. Фестиваль доирасидаги намойишларга кириш бепул бўлади.

IV. Фестивалга тақдим этилган фильмларни саралаб олиш, ғолибларини аниқлаш ва уларни тақдирлаш

4.1. Фестивалга келиб тушган фильмлар малакали мутахассислардан ташкил топган, Раис, масъул котиб ва 3 нафар аъзоси бор Саралаш комиссияси томонидан саралаб олинади ва асосий кўрикка тавсия этилади.

4.2. Фестиваль ғолиблари малакали мутахассислардан иборат, Раис, масъул котиб ва 5 нафар аъзоси бор Ҳакамлар ҳайъати йиғилишида очиқ овозга қўйиш йўли билан аниқланади.

4.3. Саралаш комиссияси ва Ҳакамлар ҳайъати таркиби “Ўзбеккино” Миллий агентлигининг буйруғи билан тасдиқланади.

4.4. Фильмларни саралаш ва ғолибларни аниқлаш мезонлари:

- ғоянинг оригиналиги ва долзарблиги;
- юқори бадиий савия;
- қизиқарли сюжет;
- кино тилининг ўзига хос услуби;
- новаторлик ва изланиш;
- режиссёрлик ва операторлик топилмалар;
- актёрларнинг ижроси.

4.5. Фестиваль ғолиблари махсус совринлар ва дипломлар билан тақдирланади.

4.6. Асосий совринлар қуйидагилар:

- “Энг яхши қисқа метражли бадиий фильм” учун бош соврин;
- “Энг яхши сценарий”;
- “Энг яхши режиссёрлик иши”;
- “Энг яхши операторлик иши”.

4.7. Фестиваль ғолиблари тантанали ёпилиш маросимида эълон қилинади ва тақдирланади.

4.8. Фестиваль ташкилотчилари, ҳамкорлари, ҳомийлари ҳамда Ҳакамлар ҳайъати ғолибларни рағбатлантиришнинг бошқа шакл ва усуллари белгилашлари мумкин.

4.9. Фестивалда муваффақиятли иштирок этган асарлар жамланиб, махсус DVD тўплам шаклида чиқарилади, халқаро ва маҳаллий кинофестивалларга тавсия этилади. Муаллиф розилиги билан Республика кинотеатрларида аҳоли учун намоишлари ташкил этилиши мумкин.

V. Фестивалнинг махсус дастурлари

5.1. Фестиваль доирасида қуйидаги тадбирлар ўтказилади:

- маҳаллий ва жаҳон кино усталари, жумладан, ёш кинорежиссёрлар томонидан суратга олиниб, йирик кинофестивалларда муваффақиятли иштирок этган қисқа метражли фильмларнинг асосий кўрикдан ташқари намоиши;
- “Қисқа метражли фильм – ёш киноижодкорлар учун маҳорат мактаби” мавзусида давра суҳбати;
- таниқли кино усталари иштирокидаги мастер-класс;
- ўзбек кино санъати тарихи музейида очиқ эшиклар куни.

VI. Фестиваль ишчи гуруҳи, Ҳакамлар ҳайъати ва Саралаш комиссиясининг ваколатлари

6.1. Фестиваль ишчи гуруҳи:

- тадбирларни юқори савияда ўтказиш билан боғлиқ барча ташкилий ишларни амалга оширади;
- ташкилий ва ижодий гуруҳлар фаолиятини мувофиқлаштиради;
- Фестиваль доирасида ўтказиладиган тадбирларнинг сценарийси ва дастурларини тасдиқлайди;
- Фестивалнинг очилиш маросими ҳамда ғолибларини тантанали тақдирлаш маросимини ташкил этади;
- Ҳакамлар ҳайъати ва Саралаш комиссияси фаолиятини мувофиқлаштиради, уларга эркин ишлаш учун зарур шарт-шароит яратади.

6.2. Мазкур Низом талаблари Фестиваль иштирокчиси томонидан бузилганлиги, ёлғон маълумот берганлиги, муаллифлик ҳуқуқига риоя этмаганлиги, Ҳакамлар ҳайъати ёки Саралаш комиссияси аъзоларига тазйиқ ўтказганлиги ёки ўтказишга ҳаракат қилганлиги аниқланган тақдирда “Ўзбеккино” Миллий агентлиги иштирокчини Фестивалдан четлатиш ҳуқуқига эга.

6.3. Ҳакамлар ҳайъати ҳамда Саралаш комиссиясининг қарорлари юзасидан шикоятлар қабул қилинмайди.

VII. Ушбу Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш

Ушбу Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш “Ўзбеккино” Миллий агентлигининг буйруғи асосида амалга оширилади.

**“PROlogue” – ёш киноижодкорлар томонидан суратга олинган қисқа метражли фильмлар III Республика фестивалида иштирок этишни истаган ижодкор томонидан тақдим этиладиган
АРИЗА НАМУНАСИ**

“PROlogue” фестивалида иштирок этиш учун ариза

Ариза берувчининг
исми-шарифи/
юримдик шахс номи:

Фильм номи:

Жанри:

Синопис/аннотация:

Суратга олинган йили:

Хронометраж:

Фильм сценарий муаллифи:

Фильм режиссёри:

Фильм оператори:

Актёрлар:

тел.:

e-mail:

Мен Фестиваль Низоми билан тўлиқ танишиб чиқдим. Унда белгиланган барча талаб ва шартларга розилигимни билдираман.

(имзо ва сана)

(ариза берувчи)

_____ **хақида**

(фестивалда иштирок этишни истаган ижодкорнинг исми-шарифи)

МАЪЛУМОТНОМА

У _____ йилдан буён:
(сана)

_____ (иш ёки ўқиш жойи кўрсатилади)

3x4
ҳажмдаги
фотосурат

Таваллуд санаси:

Туғилган жойи:

Миллати:

Партиявийлиги:

Маълумоти:

**Таълим олган муассасаси
ва битирган йили:**

Маълумоти бўйича мутахассислиги:

Илмий унвони:

Илмий даражаси:

Қайси чет тиллари ва МДХ халқлари тилларини билади:

Давлат мукофотлари билан тақдирланганми (қанақа):

Халқ депутатлари, республика, вилоят, шаҳар ва туман Кенгаши депутатими ёки бошқа сайланадиган органларнинг аъзосими (тўлиқ кўрсатилиши лозим):

МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИ:

_____ (йиллар)

_____ (иш ёки ўқиш жойи)

_____ (йиллар)

_____ (иш ёки ўқиш жойи)

_____ **нинг**

яқин қариндошлари тўғрисида МАЪЛУМОТ

Қариндошлиги	Исми-шарифи	Таваллуд санаси ва жойи	Иш жойи ва лавозими	Яшаш манзили